

XX аср бошида ижтимоий–сиёсий жараёнлар Туркистон минтакасидаги сиёсий хаёт ва бошқарув тизими

XX аср бошларида Туркистонда подшо Россиясининг мустахкам ўрнашиб олиши кузатилди. У ўз сиёсий агентлари (вакиллари) ёрдамида Бухоро амири ва Хива хони ваколатларини чеклабгина колмай, уларни кўгирчокка айлантириб рус ва гарб сармоядорларининг ишлаши ва яшаши учун шароит яратади, турли компаниялар, акциядорлик жамиятлари манфаатини кўзлайди. Айни чоғда махаллий аҳолининг талаби ва эҳтиёжлари назарга олинмай кўйилди, диний эътиқодлари, урф-одатлари билан хисоблашмаслик, уларни менсимаслик кучайди. Хаётий, илмий савияси юкори бўлган козилар тажрибасиз кишилар билан алмаштирилди, порахўрлик, ижтимоий–сиёсий адолатсизлик авж олдирилди. Мадрасалар ва мактаблар фаолиятини чеклаш махаллий жой номларини русча атамалар билан алмаштириш, махалла жараёнида козилар бўйнига хоч тактиришгача борилдики, ерли аҳолини бу хилда таккирлаш холлари мустамлакачиларнинг бедодлигини яккол кўрсатарди. Ўша давр аҳолини Мухаммадали Холфа Собир ўгли (у Дукчи Эшон номи билан машхур бўлган) 1898 йил май ойида халкка карата ўз «Хитобномаси»да яхши баён килган эди.

Мехнат истикболини ўйловчи тараккийпарвар кучлар халкнинг деярли барча табакалари – хунарманд, дехкон, савдогар, мулкдор, уламолар орасида мавжуд эди. Зиёлилар дастлаб чоризмга карши курашни халкни асрий колокликдан уйготиш - сиёсий-маърифий жабхадан бошлашга карор килдилар. Миллий сиёсий харакатлар, жумладан, жадидчилик харакати ана шундай тарихий бир шароитда Туркистон минтакасида ривожланиш учун ўзига кулай замин топди.

Туркистон минтакаси XX аср бошларида учта сиёсий бирлик: Туркистон генерал–губернаторлиги, Бухоро амирлиги, Хива хонлиги худудларидан иборат эди. Туркистон генерал-губернаторлиги ёхуд Туркистон ўлкаси Россия империяси таркибига кирган бўлса, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги Россияга карам бўлган ярим мустакил давлатлар эди.

Туркистон генерал-губернаторлигининг умумий майдони XX аср бошларида 1.738.918 км² ни ташкил этган. Аҳоли сони 1897 йилга биринчи Бутунроссия аҳолини рўйхатга олишнинг тўла бўлмаган маълумотларига кўра, 5.280.983 кишидан иборат бўлган. Россия статистик бошқармасининг 1914 йилда тўлмаган маълумотларига кўра бу кўрсаткич 6.492.692 кишига етган.

Туркистон аҳолисининг умумий миқдорида ўзбеклар, козоклар, киргизлар, тожиклар, туркманлар, кораколпоклар, кўпчиликни ташкил этганлар. Уларнинг миқдори 1897 йилда–4.986.324, 1914 йилда–5.941.604 кишидан иборат бўлган. Славян аҳолиси (руслар, украинлар, белоруслар) нинг сони 1897 йилда – 197.240, 1914 йилда–406.607 кишини ташкил этган. Бундан ташқари Туркистон аҳолисининг этник таркибида бошка халклар ҳам мавжуд бўлган.

Подшо Россияси Туркистондаги хонликлар худудининг катта кисмини босиб олгач, табиий ресурсларга ниҳолда бой ўлкага эга бўлди. Туркистон ўлкаси област (вилоят), уезд, волост (бўлик), участка ва оксоколликларга бўлиниб бошқарилди. Туркистон

генерал – губернатори бир вақтнинг ўзида Россия подшоши ноиб (ярим подшо), харбий округ кўшинлари кўмондони, бош прокурор ва бош миршаб эди. У Бухоро амири фаолиятини Россия империясининг Бухородаги сиёсий агентлиги (1885–1917 йй.), Хива хонини эса Амударё бўлими бошлиги (1873–1918) оркали назорат қилиб турган. Туркистон ўлкаси Сирдарё, Фаргона, Самарканд, Еттисув (Семиречье), Каспий-орти (Закаспий) вилоятлари ҳамда Амударё бўлимига бўлинган эди. Вилоятлар ок подшо тайинлаган харбий губернаторлар томонидан бошқарила эди.

Сирдарё вилояти Тошкент, Авлиё ота, қазали, Перовск, Чимкент; Фаргона вилояти Маргилон, Андижон, қўқон, Наманган, Ўш; Самарканд вилояти Жиззах, Каттакўрғон, Хўжанд, Самарканд; Еттисув вилояти Верний, Жаркент, Копал, Лепсинск, Пшипак, Пржевальск; Каспий-орти вилояти Ашхобод, Красноводск, Мангишлок, Марв, Тажан каби уездларга бўлинган.

XX аср бошларида Туркистон ўлкасида мустамлакачилик ва улуг миллатчиликка асосланган сиёсий–маъмурий тизим ҳукм сурган. Россия ҳукумати ўзбек ва бошқа туб халқларга сиёсий ва инсоний ҳуқуқлар беришни ҳаёлига ҳам келтирмаган. Россия матбуоти ва илмий асарларида Туркистон ўлкаси очикдан–очик «Россия мустамлакаси» номи билан изоҳланган. Хатто аҳвол шу даражага бориб етганки «Русский Туркестан» («Рус Туркистони») атамасини ишлатиш одат тусига айланди. Шунингдек, туб халқлар, ўзбеклар, козоклар деб асл номлари билан эмас, балки «инородец» («бегона зот»), туземец («ерли аҳоли») деб юритилган. Мустақилликнинг йўқотилиши, сиёсий ҳавфсизлик ва адолатсизлик, бутун жамият аҳолини Россия давлатига қарши қучни муҳолифатга айлантди. Уларнинг орасида туб халқлар юқори табақаларининг илгор вакиллари ҳам бўлиб, озодлик гоялари борган сари қуч-қувватга тўлиб борди. Бу илгор кейинчалик жаҳидлар сиёсий фаолиятининг асосини ташкил қилди.

XX аср бошларида Бухоро амирини ҳудуди 225 000 км² ни ташкил этган. Амирлик ҳудуди бу пайтда 28 та беклик, пойтахт Бухоро атрофлари эса 9 та туман, улар ўз навбатида 125 та амлоқдорликка ва 10 000 дан ортиқ оксоқолликларга бўлинган. Пойтахт атрофидаги туманлар ва Бухоро шаҳрини амир номидан қушбеги–Бош Вазир бошқарган. Бу маъмурий бўлиниш фуқарога яхшироқ хизмат кўрсатиш манфаатини ҳам унчалик қондирмас эди.

Бухоро аҳолиси кўп миллатли эди. Уларнинг миқдори тахминан 2–2,5 млн. киши бўлган. Бу ерда ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, козоклар, киргизлар, қорақолпоқлар, бухоро яҳудийлари, форслар ва араблар истиқомат қилар эди.

Амирликда аҳолининг кўпчилиги–1,5 млн. кишини ўзбеклар ташкил этган. Мамлакат аҳолисининг асосий қисмини дехқонлар, чорвадорлар ва шаҳар ҳунармандлари (қосиблар)дан иборат бўлган.

Россия империясининг Сиёсий агенти Бухоро амири ва унинг алоқадорлари устидан маҳфий назорат ва қузатув олиб боровчи марказ вазифасини адо этган. 1895 йил 1 январдан Бухоро амирлигини Россия божхона тизимида киритилиши ҳам мустамлакачилик сиёсатининг бир кўрениши бўлди. Империянинг XX аср бошларида Бухорода ўтказган пул ислоҳоти ҳам ана шу мақсадга қаратилган эди. Божхона соҳасида давлат мустақил-лигининг йўқотилиши ва Бухоро тангаси (миллий валюта)нинг рус рублига бўйсундирилиши Бухорни Россиянинг хом ашё макони ва арзон бозорига айлантиришда муҳим босқич бўлди.

Бухоро амирлиги давлат бошқарувида уламолар ва мулкдорларнинг роли алоҳида ажралиб турган. Уламолар (диний арбоблар), бир томондан амир ҳокимиятини

мустахамлашга иккинчи томондан, мамлакатдаги бутун сиёсий ва иктисодий, шунингдек, маънавий ҳаётга таъсир ўтказишга ҳаракат қилишлар эди.

Бухоро амирлигидаги бошқарув аппаратида анъанавий ҳокимият пиллапоёси мавжуд бўлиб, унга мувофиқ баходир, мирзабоши, жебачи, коравулбеги, мирохўр, тўксабо, ишқорбоши, бий (бек), додхоҳ, парвоначи, девонбеги, оталик, кўшбеги каби хизмат лавозимлари жорий этилган. Бийлардан юкори пиллапоёни эгаллаганлар олий амалдорлар тоифасига киритилиб, одатда улар бек лавозимини эгаллар ёки Бухоро аркида ишлар эдилар.

Давлат ҳокимияти тепасида амир турар, унинг ҳузурида доимий равишда 100 кишидан иборат маслаҳатчилар мавжуд бўлган. Давлатни 125 амалдордан иборат девонга эга бўлган кўшбеги бошқарган.

Айрим манбаларнинг гувоҳлик беришича, кўшбеги давлатдаги бутун ҳокимиятни ўз қўлига тўплаб олган. Унинг маҳкамаси амирликдаги давлат бошқарувининг олий формойиш берувчи ва ижро этувчи органи ҳисобланган. Давлат аҳамиятига эга баъзи масалаларда, яъни уруш олиб бориш, молия, даромадлар ва сарф–харажатларни назорат қилиш, олий даражадаги амалдорларни ишга тайинлаш ва ишдан бўшатиш, танҳо ёки фахрий унвонларни тақсимлаш амир ваколатлари даоирасида бўлган.

1907–1908 йилларда Шаркий Бухоронинг кўпгина бекликларида дехқонлар галаёнлари бўлиб ўтди. Жумладан, Кўлаб, Хисор, Дарвоз, Балжувон, қоратегин, Шугнон ва Рушонда шундай халқ галаёнлари содир бўлди. Халқ норозилигининг асосий сабаби – амир ҳукумати томонидан тайин қилиниб, шариат ақидаларига зид тўпланадиган солиқларнинг кўплиги эди. Айниқса, Мўминободда йирик галаён бўлиб, Мўминобод ҳокими Муҳаммад Назирбек ва фуқаролар ўртасида келишмовчилик келиб чиқди. Ушбу можарони тинчатиш учун амир томонидан Мирокул Ҳазраткул бу ерга юборилди. XX аср бошларида Бухородаги сиёсий жараёнларнинг ривожига 1910 йилнинг январиди бўлиб ўтган воқеалар муҳим аҳамият касб этган. 1910 йилнинг январиди Бухорода бўлиб ўтган шиа ва суннийлар ўртасидаги можаролар ўша давр матбуотида анча батафсил кўрсатилган.

Бухоро шахрининг шиа мазҳабидаги аҳолиси 1910 йил 9 январ куни ўғлон дарвозаси яқинидаги сарбозхонада ўзларининг «Ашуро» деган диний мотам маросимларини ўтказиётганликларида сунний мазҳабидаги муллавақчалар уларнинг бу ҳолидан кўладилар. Бундан газабланган шиалар бир муллавақчани ўлдирдилар ва учтасини каматтирадилар. Суннийларнинг вакиллари Бухоро Аркига келиб, кўшбеги Остонакулдан гуноҳқорларни жазолаш ва камалганларни озод қилишни талаб қилади. Бирок ўзи шиалардан бўлган Остонакул кўшбеги йигилганларга қарши сарбозларни юборади ва икки ўртада жанг бошланади. Бозорда ҳам суннийлар билан шиалар ўртасида жанжал кўтарилади. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, энг дахшатли тўқнашув Хиёбон мадрасаси атрофида содир бўлиб, бу ерда суннийлардан 240 нафаргача киши кўрбон бўлган. Шундан сўнг суннийлар бутун шахарга тарқалиб, дуч келган шиаларни қира бошлаганлар. Бу хунрезлик 10–11 январда ҳам давом этган.

Бухоро шахрида вазиёт мураккаблашгач, амир ҳукумати бу галаённи бостириш ва Бухорода тартиб ўрнатиш учун ўлкадаги рус маъмурларидан ёрдам сўрайди. 11 январда Самарқанд ва Каттақургондан полковник Панов раҳбарлигида ўкчи рота ва казаклар сотняси (юзлиги) 4 та пулемёт билан етиб келади. Фожиа ҳақидаги хабар Россия пойтахти Санкт–Петербурггача боради. Бош вазир Столипиннинг П. А. буйруғи билан купрезликнинг олдини олиш учун I Туркистон армияси корпуси штабининг бошлиғи

генерал–майор Лишенталь бу ерга юборилади. Карманада яшаётган Бухоро амири Абдулакадхон (хукиронлиги: 1885-1910 йй.) тахт вориси Саид Олимхонни бу ерга жўнатади. 13 январда Саид Олимхон Карманодан Бухорога етиб келиб, халкнинг тазйики остида Остонакул кушбеги, Саид Олим ва Мироб Олим тўксаболарни вазифасидан четлаштиради.

Умуман олганда, бу хупрезликда шахар хунармандлари, ишчилар майда савдогарлар, муллаваччалар, уламолар ва бошқалар катнашади. Хупрезлик хакидаги хабар Бухоро амирлиги туманларидаги аҳолини ҳам жунбушга солади. Бухородаги январ фожиаларида умумий ҳисобларга караганда мингдан ортик киши халок бўлган. Бу хупрезлик амирлик ва мустамлакачи Россия маъмурларини ваҳимага солиб кўйган. Туркистон минтақасидаги учинчиси сиёсий бирлик – Хива хонлигининг ҳудуди XX аср бошларида 62 237 км бўлиб, у кичик бир вассал давлат даражасига тушириб кўйилган эди. Хива хонлигининг аҳолиси хакида манбаларда бир-бирига зид маълумотлар келтирилади. Хатто архив ҳужжатларида ҳам турли рақамлар мавжуд. 1910 йилда Хива хонлигидаги аҳолини рўйхатга олиш натижасида жамланган Материалларда хонлик ҳудудида тахминан 1–1,2 млн. киши яшаши келтирилади. Тарихчи к. Ражабовнинг ёзишича 1920 йилда Хива хонлигида 500 000–550 000 киши яшаган.

Хива хонлигида асосан ўзбеклар, туркмонлар, қорақолпоқлар, қозоқлар билан бирга араблар, татарлар, руслар ва бошқа халқлар ҳам яшаган.

Хонликдаги энг юқори унвон хон бўлиб, у сиёсий, ҳарбий ва диний ҳокимиятга эга бўлган. Бухоро амирлигидаги бошқарув тизимидан фарқли ўларок Хива хони ҳузуридаги доимий Кенгаш (Девон) мавжуд бўлган. Кенгашга энг юқори лавозимдаги амалдорлар (иноқ, шайхулислом, девонбеги, ясовулбоши ва бошқалар) аъзо бўлганлар.

Хонликдаги барча мансаб ва унвонларни 3 тоифага: ҳарбий – маъмурий, ҳарбий ва диний амалларга бўлиш мумкин. Сарой унвонларига ирок, оталик, бий, меҳтар, бекларбеги, девонбеги, бек, мироб, кушбеги ва бошқалар кирган бўлса, амир ул-умаро, ясовулбоши, мингбоши, юзбоши, имговул, удайчи, қутвол, тугбеги ва бошқалар ҳарбий – маъмурий унвонларга: накаб, шайхулислом, кози ул-қуззот, аълам кози, муфтий, раис, мударрис ва бошқалар диний унвон ва мансаблар ҳисобланган. Бу мансабдорларнинг вазифалари ва мавқеи уларнинг хонга яқинлиги билан ўлчанилган.

Хива хонлиги маъмурий жихатдан XX аср бошларида 25 та маъмурий бирликка бўлинган: ундан биттаси – Хива шаҳри ва унинг атрофи бевосита хон ёхуд бош вазирга бойсунган, ҳокимлар томонидан бошқарилган 20 та ҳокимликка ва 2 та ноибликка бўлинган. Тарихий адабиётларда бу маъмурий бирликлар беклик деб аталгани билан Хивада асосан ҳокимлик деб юритилган.

XX аср бошларида Хива хонлиги ижтимоий–сиёсий ҳаётида катта ўзгаришлар даври бўлди. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II –Феруз хонлик Россияга қарам бўлгач, бир томондан подшо ҳукуматига садокат билан хизмат қилишга мажбур бўлган бўлса, иккинчи томондан уларни ёмон кўрар эди. Хива хонлиги сиёсий ҳаётида бу даврда вазир Ислоҳ хўжа ва тахт вориси Асфандиёр Бўра катта роль ўйнай бошладилар.

Муҳаммад Раҳимхон II вафот этгач 1910 йил август ойида Асфандиёрхон Хива деб эълон қилинди. У 1910 йил 10 сентябрда Бош Вазир Ислоҳхўжанинг ташаббуси билан хонлик ҳудудида ислохотлар ўтказиш хакидаги фармонни имзолади. Бу фармонга кўра, 12 кунлик меҳнат мажбурияти бекор қилиниб, давлат томонидан амалга ошириладиган тадбирларда ишловчиларга ҳар куни 2 танга ҳазинадан пул тўлаш, амалдорлар ўз ишлари учун халқдан пора олмаслиги, ер солигини аниқлаш ва ҳар қим эгалик қилаётган

ер микдорига караб солиқ тўлаш, бозорларда йигиладиган бож ва закот солигини тартибга солиш йўлларини яхшилаш, темир кўприклар куриш, почта–телеграф, касалхоналар куриб ишга тушириш кўрсатилган эди. Бу ислохотни амалга ошириш устидан назорат Бош вазир (вазири акбар) Ислохотхўжага топширилади.

Ислохотларни амалга ошириш бўйича Ислохотхўжа томонидан хоким ва амалдорлар учун кўрсатмалар ишлаб чиқилди, лекин уни бошлаш ва тамомлаш муддатлари белгиланмаган эди.

Дастан Ислохотхўжа билан ўзаро келишиб иш тутган Асфандиёрхон секин – аста унга қарши бора бошлади. Чунки Ислохотхўжа ўз қуёви Асфандиёрхоннинг дабдабали ҳаёт кечиршига, макона айш-ишратларига қарши бўлган ва хазинадан ортикча маблағ ажратилишига йўл қўймаган. Манбалардаги ҳужжатларга кўра, айнан шу масалада улар ўзаро келишмай қолишади. Натижада 1913 йил 9 августда Асфандиёрхон ёллаган котил қурбонбой бўзчи томонидан Ислохотхўжа ваҳимёна ўлдирилади. Шу билан Хонликда бошланган ислохотлар ҳам тўхтаб қолади.

Хулоса қилиб айтганда, XX аср бошларида подшо мустамлақашга айлантирилган Туркистон Россиясининг ўлкасида мураккаб сиёсий жараёнлар юз берди. Ўз мустақиллигини йўқотган туб халқларнинг ижтимоий - сиёсий ҳаёти ва иқтисодий турмушидаги салбий ўзгаришлар, мустамлақачилик тизими ва жазо органлари фаолиятининг қучайиши минтака халқлари тафаккурида ҳам уларга қарши тура оладиган сиёсий ташкилотлар тузиш вазифасини қўйди.

Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг сиёсий ва иқтисодий жихатдан Россияга тобе қилиниши, хонликлар ҳудудининг Россия товарлари учун очик бозорга айлантирилиши, минтакадан хом ашё маҳсулотлари ва табиий бойликларнинг олиб кетилиши мамлакатдаги ижтимоий ҳаётга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Ана шундай бир шароитда Туркистон минтақасида вужудга келган жаҳидчилик ҳаракати шиддат билан ривожланди ва маърифатпарварлик фаолиятидан сиёсий талабларни қўйиш даражасига кўтарилди бошлади.

Жаҳидчилик ҳаракати ва унинг сиёсий муҳитга таъсири

Жаҳидчилик ҳаракати XIX аср охири XX аср бошларида Туркистонда ҳукм сурган фавқулодда қолоқ иқтисодий, ижтимоий ва маданий шароитда яшаётган халқларни маърифатни қилиш жаҳидчилик ҳаётида ижтимоий ва маданий ислохотлар ўтказиш, пироварида, миллий мустақиллик гоёларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадини ўз олдига қўйган ҳаракат сифатида тарихий вазият тақозоси билан вужудга келди. Бу ҳаракат ўзининг шаклланиш йўлини босиб ўтар экан, аср бошларидан 1917 йил феврал инқилобига қадар бўлган дастанки босқичларида миллий озодлик ҳаракати сифатида ўзил-қесил расмийлашди.

Жаҳидлар орасидан етук олимлар, саноат ва зироатчилик соҳаларини замонавий билимдон мутахассислари, маданият арбоблари етишиб чиқиб, юртни обод ва Ватанни мустақил қўришни орзу қилдилар ва шу йўлда фидоийларча қурашдилар. Жаҳидларнинг Туркистон мустақиллиги учун қурашида асосан қуйидаги йўналишлар устувор эди: янги

усул мактаблари тармогини кенгайтириш; кобилиятли ёшларни чет элга ўқишга юбориш; турли маърифий жамиятлар ва театр группалари тузиш; газета ва журналлар чоп қилиш; халқнинг ижтимоий-сиёсий онгини юксалтириш билан Туркистонда миллий демократик давлат қуриш. Жаҳид зиёлиларнинг кучли партияси ташкил қилинган тақдирдагина бу ишларни амалга ошириш мумкин эди.

Жаҳидчиликнинг асосий гоё ва мақсадлари қуйидагилар эди: Туркистонни ўрта асрларга ҳос қолоқлик ва диний ҳурофотдан озод қилиш, шариатни ислоҳ қилиш, халққа маърифат тарқатиш, Туркистонда мухторият ҳукуматини барпо этиш учун қураш, Бухоро ва Хивада конституцион монархия ва парламент, кейинчалик демократик республика тузумини ўрнатиш орқали озод ва фаровон жамият қуриш, барқарор миллий валютани жорий қилиш ва миллий қўшин тузиш. Тошкент, Фарғона, Бухоро, Самарқанд ва Хивада ҳур фикрли ва тараккийпарвар кишиларнинг айрим гуруҳлари томонидан олинган маданий-маърифий йўналишдаги жамият ва уюшмалардан жаҳидчилик ҳаракати шаклланди.

Туркистонда жаҳидчилик ҳаракатини вужудга келтирувчилар тепасида Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдуқодир Шақурий, Саидахмад Сиддиқий-Ажзий (Самарқанд), Муннаварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Убайдулла хўжа Асадуллахўжаев (Убайдулла Хўжаев), Тошпулатбек Норбутабеков (Тошкент), Фитрат, Файзулла Хўжаев, Усмон Хўжа (Усмонхўжа Пўлатхўжаев), Абдулвоҳид Бурхонов, Садриддин Айний, Абдуқодир Муҳитдинов (Бухоро), Обиджон Маҳмудов, Ҳамза, Чўлпон, Исҳоқхон Иброт, Муҳаммадшариф Сўфизода (Фарғона водийси), Полвонниёз Ҳожи, Юсупов, Бобоҳун Салимов (Хоразм) турарди.

Туркистон минтақасидаги жаҳидчилик ҳаракати, тарқалиш жойи ва йўналишига қўра учга бўлинади: Туркистон, Бухоро ва Хива жаҳидлари ўртасида бир мунча тафовут бор. Туркистон ўлкасидаги жаҳидчиликнинг ижтимоий асосини зиёлилар ташкил қилган. Улар подшо Россияси мустамлакачилигига қарши қурашнинг олдинги сафларида туриб, чоризмнинг хом ашё манбаига айлантирилган Туркистоннинг дастлаб мухтор, сўнга мустақил давлат бўлишини ёқлаб чиқдилар.

Д. Алимованинг ёзишича жаҳидлар мафқурасида ҳозирги кунда жамиятни ташвишига солаётган-диннинг инсон маънавий камолотидаги ўрнини тўғри тушуниш, бозорни шакллантириш, жараёнларини фаоллаштириш, тараккийпарвар демократик институларни вужудга келтириш, ўлкада ўзига ҳос миллий ривожланишни шакллантириш каби тарихий вазифалар жамланган эди. Бу вазифаларни амалга ошириш учун муҳим шартлар бўлиб, ислом тушунчасини янгилаш, уни мутаассибликдан тозалаш, фан ютуқлари ва илғор технологияни эгаллаш муаммоларини ҳал этиш лозим эди. Жаҳидлар исломнинг тараккийпарвар ролини тушун-тириш билан таълим, иқтисод, маданият ва умуман, жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ этиш заруриятини тушун-тиришга интиланлар. +урғон ва унинг тафсирини жуда яхши билган муфтий Маҳмудхўжа Бехбудий ўз мақолаларидан бирида +уръон оятлари ва пайгамбаримиз ҳадисларидан намуналар келтириш, билан ислом таълим маориф ва барча фанларга, шу жумладан тарих фанига қай даражада катта аҳамият берганлигини исботлаб берган. У ислом тарихини билмаслиги оқибатида аксарият ҳолларда ўнғайсиз вазиятга тушиб қоладиган дин пешволларини танқид қилади.

Жаҳидларнинг халқаро алоқалари жуда кенг қамровли бўлган. Улар Россия, Туркия, Миср ва бошқа мамлакатлардаги турли тараккийпарвар оқимлар дастурларидан хабардор бўлганлар, ўзаро сафарлар ва мулоқотлар орқали тажриба алмашганлар.

1905-1906 йилги Россиядаги инкилобий ҳаракатлар Туркистонга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Прогрессив кучлар жипслаша бошладилар ва жаҳидлар маърифатчилик фаолиятини жадаллаштирдилар.

Жаҳидлар Россиядаги сиёсий жараёнларни диққат билан кузатиб бордилар, вужудга келадиган рус сиёсий партиялари дустурларини ўргандилар. Лекин миллий менталитетнинг ўзига хос хусусияти бўлган ўзбек халқининг тинчликсеварлик, босикликка мойиллигидан келиб чиқиб, улар тинчлик йўли билан, жамоатчиликнинг муружаатлари, Давлат Думасидаги оммавий бахслар ва бошқа легал воситалар билан подшо ҳокимиятидан ўз мақсадларини амалга ошириш йўлида ён беришга эришишга интилдилар. Бехбудийнинг 1906 йил 11 октябрда «Хуршид» газетасида чоп этилган мақолада таъкидланишча, жаҳидлар бирлашиб ягона мусулмон партияси тузиш ва Бутунроссия мусулмонлари иттифоқи таркибига киришлари зарур. Шу билан улар Россиядаги барча туркий халқлар орасидаги прогрессив кучларга таҳнишга интилдилар. Бехбудий ушбу мақолада социал – демократлар партиясига нисбатан ўзининг салбий муносабатини билдиради ва большевиклар партияси дастурининг мусулмонлар турмуши талабларига мувофиқ келмайдиган ҳаёлий (утопик) қараш эканлигини 1906 йилдаёқ баъшорат қилган эди. XX аср тарихи Бехбудий фикрлари тўғри эканлигини тўлиқ исботлаб берди.

XX аср бошқаридаёқ миллий озодлик ҳаракати байроғини дадил кўтариб, миллий кучлар бирлигини таъминлаш борасида салмоқли фаолияти кўрсатган Туркистон жаҳидлари жаҳон жамоатчилиги эътиборини ўзига тортганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Таникли адабиётшунос олим Н. Каримовнинг ёзишича, Туркистонда сиёсий партиялар фаолиятини яхши ўрганган француз разведкачиси майор Лякоста, 1906 йилда ўз мамлакатига йўллаган яширин маълумотида бундай ёзган эди: «Туркистон ўлкасидаги энг эътиборли ва келажаги порлок сиёсий куч социал демократлар (большевиклар ва меньшевиклар) ёки социал инкилобчилар (эсерлар) ёхуд кадетлар ва либераллар эмас, балки ўзбек жаҳидларидир».

Ўз олдиларига Туркистон халқларининг тақдири учун муҳим аҳамиятга молик вазифани қўйган жаҳидлар 1906 йил январ ойида Петербургда бўлиб ўтган Бутунроссия мусулмонлар Бурултойига (ўз вакилларини юбориб, Россия тасарруфида яшаган бошқа мусулмон халқлар ва уларнинг пешқадам арбоблари билан алоқа ўрнатганлар. Хусусан, Россия Давлат думасига Туркистондан сайланган биринчи депутат Тошкентлик Абдувоҳидқори Абдурауфқориевнинг бу соҳадаги катта ташкилотчилик қобилияти диққатга сазовордир. У кейинчалик Мунавварқори Абдурашид-хонов билан биргаликда «Шурои Ислоҳ» жамиятини ташкил қилган эди.

Россиянинг Туркистондаги махфий полиция идораси ҳам жаҳидларни ўзбек савдо–саноат аҳли қўллаб - қувватлаши ва улар шаклланаётган ўш авлодга ёмон таъсир кўрсатиётганидан ҳавотирланиб, Марказий жаҳидлар билан жиддий ҳисоблашишга чақирган эди. 1916 йилдаги миллий озодлик кўзғолони ва 1917 йилги Россия Феврал инкилобининг ўлкадаги жаҳидчилик ҳаракатининг янада кенг авж олишида ва жаҳидлар фаолиятида кескин сифат ўзгариши юз беришида ўрни ва роли катта бўлди.

Жаҳидларнинг маърифий–мафкуравий жаҳадаги қураши аниқ ифодаланган сиёсий қураш тусини олди ва бу ҳаракат сифатидан янги босқичга кўтарилди.

Бухородаги жаҳидчилик ҳаракати Туркистон ўлкасига нисбатан оғир ижтимоий – сиёсий шароитда юзага келди. Унинг таркиби асосан Бухородаги шаҳар аҳолисининг тараккийпарвар қисми: зиёлилар, муллаваччалар, майда дўқондорлар ва маъмурлар,

хунармандлар, савдогарлардан иборат эди. Жадидларнинг дехконлар ва сарбозлар ўртасида нуфузи аввалига паст бўлган. Жадидлар иктисод ва бошқарув соҳасида бир катор талаблар, чунончи, солиқларни камайтириш талаби билан чиқишди. Улар дастлаб Бухородаги амирлик тузуми доирасида ислохотлар жорий қилмоқчи бўлишди. 1900 йили Бухорода вобкентлик дехкон Жўрабой илк янги учун мактабини очди.

Бухородаги жадидчилик ҳаракатига айрим жохил муллалар, ҳар қандай янгилик ва ислохотларнинг душмани бўлган қадимийлар оқими қарши чиқди. Садриддин Айнийнинг ёзишича, XX аср бошларида Бухоро жамияти 2 гуруҳга: Икром домла раҳбарлигидаги тараккийпарварлар ва Мулла Абдураззоқ бошчилигидаги қадимийларга бўлинган эди. 1908 йилда «Бухорои шариф ширкати» тузилиб, у дарслиқлар нашр этиш ва китоб савдоси билан шугулланади. Аҳмаджон Ҳамдий (Абусаидов), Усмон Хўжа, Ҳамидхўжа Мехрий, Абдулвоҳид Бўрхонов, Абдулқодир Мухитдинов, Садриддин Айний, Абдурахмон Саъдий ширкатнинг ташкилотчилари эди. 1909 йил декабрда жадидлар Бухорода «Тарбияи атфол» (Болалар тарбияси) махфий жамиятини тузишди. Унга Абдулвоҳид Бурхонов, Ҳамидхўжа Мехрий, Аҳмаджон Ҳамдай, Муқаммил Бурхонов, Ҳожи Рафе каби машҳур жадидлар асос солишган. Бу жамият бухоролик ва туркистонлик ёшларни Истанбулдаги «Бухоро таълими маориф жамияти» бўлимига ўқишга жўнатди.

Хориждаги таълим ёшлар дунёқарашида тубдан бурилиши ясади. Жадидчилик ҳаракати Бухоро ва Туркистонда бир вақтда бошланган бўлса ҳам, амирликдаги оғир муҳит унинг тараккиётини тезлаштирди. (910 йилдан бошлаб Бухорода жадидчилик ҳаракати ташкилий тус олди ва «Тарбияи атфол» махфий жамияти асосида партия ташкил топди. Бухородаги жадидчилик ҳаракати тараккийпарвар уламолардан, муфтий ва мударрис Икром домла (Икромча номи билан машҳур бўлган) муҳим ўрин тутди. У яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида саёҳатда бўлиб, «Уйқудагиларнинг уйғониши ва нодонларнинг оғох бўлиши» (1910) номли рисола Бухородаги амирлик тузумидан норозилик кайфиятларини очик акс эттирган. Бу рисола бухороликлар ўртасида жуда машҳур бўлган. Ушбу рисоладан сўнг Икром домла Бухородан сургун қилиниб, Пешкў туланига қозилди жўнатилган (1912–1914 й.).

1914 йил 25-26 январда Бухоро шаҳрида бўлган уламолар йигилишида муфтий Икром домла янги усул (жадид) мактаблари очишга руҳсат бериш тўғрисидаги ўзи тайёрлаган дастурни маълум қилади. Бу йигинишда Бухоронинг энг нуфузли уламолари шайхулислом, аълам, раис, қозикалон, оқун, муфтий аскар ва бошқалар иштирок этишади. Бу пайтда Икром домла ўз атрофида янги усулдаги мактабларни қайта тиклаш тарафдори бўлган мингга яқин муллавақчаларни бирлаштирган эди.

Бу пайтда Фитрат, С. Айний, Усмон Хўжа, А. Бурхоновдан ташқари бухоролик жадидлар ўртасида катта ҳурматга эга бўлганлардан бири машҳур табиб, саёҳатчи ва жамоат арбоби Мирзо Сирож ҳисобланади. У «Бухоро халқига тухфа» деган асари билан машҳур бўлиб, унда ўзининг Америка, Европа ва Осиё китъаларига сафари ҳақида кенг маълумотлар беради. Баъзи манбаларга қараганда, Мирзо Сирож олий таълимни XX аср бошларида Швейцарияда олган.

Бухоро амирлиги ва Туркистонда иш қўраётган ўзбек маърифатпарварларининг қудратли тўдасининг фаолияти ҳақида рус махфий полицияси–Туркистон район муҳофаза бўлими (ТРМБ) кенг маълумотлар тўллаган эди. У Туркистон ёшларининг Туркия билан алоқасидан чёчиган ва ёш турклар таъсирини йўқотиш чораларини излаган. Шу жихатдан амалга оҳранка фондларида сақланиб қолган Мирзо Аҳмад қушбегининг «Тараккийпарварлар жамияти гоёлари очерки» деб номланган

маълумотномаси диккатга сазовордир. Мазкур Хужжатда куйидагилар алохида таъкидланган эди: «Тараккийпарварлар жамиятининг бош гоёси ёш турклар тараккийётига тахдид этишдир. Уларнинг режаси халкка сиёсий ва ички эркинлик бериш. Аҳоли ўртасида ўз эътиборларини улар сиёсат ва дин заминидagi харакатлари билан амалга оширишни режалаштиришган эди. Улар ўзларини халкни руслар ва махаллий маъмурият зулмидан халос этишга каратилган сиёсатни олиб борувчилар, килиб кўрсатишга интилишади. Рус тили ва маълумотини эгаллаган хамда рус унсурлари (элементлари) доирасида юрвчи ёшларнинг кўпчилиги уларга хайрихох бўлиб, бу гоёларни таркатишда якиндан ёрдамлашмоқда».

Бухородан Туркияга ўқиш учун юборилган талабалар сони аста – секин ошиб боради, масалан, 1911 йилда Истанбулга ўқиш учун 15 киши, 1912 йилда 20 киши жўнатилган эди. Бу талабаларнинг энг кўзга кўрингани Фитрат бўлган. Бирок Россияда аксилтурк кайфиятини кучайиши муносабати билан Туркияда, шунингдек, Оренбургда тахсил олаётган талабалар Бухорога кайтарилади. Бу ҳолатни Файзулла Хўжаев «Жадидларнинг аввалги хаёлпарастлиги энди вазиятга тўғри келмай колди», деб баҳолайди.

Шундай килиб, XX асрнинг бошларида Бухоро амирлигидаги жадидлар ва бошка тараккийпарвар кучлар вазиятга танкидий ёндашган ҳолда давлатнинг ички бошқарув тизими замон талабларига жавоб бермаслигини, меҳнаткаш халкнинг турмуш даражаси ниҳоятда паст эканлигини ва сиёсий–маъмурий тузумни ўзгартириш лозимлигини чуқур онглай бошлашгач. Ана шу заминда жадидчилик харакатидан сиёсий партиялар ва миллий ташкилотлар ўсиб чиқди.

XX аср бошларида Хива хонлигида шаклланган жадидчилик харакати эса бир қадар бошқачарок тарихий шарт–шароитда вужудга келган эди. У бу ерда асосан иккита окимдан иборат эди. Унинг ўнг окими хонликда ривожланаётган савдо–саноат корхоналари эгалари хамда йирик бойларнинг вакилларини ўзига бирлаштирган эди. Бу окимга Хива хони Асфондиёрхоннинг Бош вазири Ислохўжа бошчилик қилган.

Жадидчиликнинг ўн окими ўз олдида мамлакатда хон ҳокимиятини саклаб қолган ҳолда ижтимоий–иқтисодий ислохотлар ўтказиш орқали эркин бозор муносабатларининг ривожланишига кенг йўл очиб беришни мақсад қилиб қўйган эди. Хива хонлигида жадидчилик харакатининг йўл окими эса майда сармоядорлар, хунармандлар ва халкнинг турли табака вакилларини бирлаштирган бўлиб, +озикалон Бобоқун Салимов унинг раҳбари эди. Улар Хива хонлигида янги усул мактаблари ташкил қилиш, орқали халқ оммасининг сиёсий фаоллигини ўстириши мақсадини қўйишган эди. 1904 йилда «Жамияти хайрив» тузилиб, унинг кўмаги билан ўша йили 10 ноябрда Хива шаҳрида дастлабки янги усул мактаби очилди. Хива жадидлари маърифий кураш хам олиб бордилар. Биринчи жаҳон урушигача Хива жадидларининг ягона маркази ва дастурий хужжатлари бўлмаган. Бирок жадидчилик харакати Хива хонлигида катта ижтимоий–сиёсий кучга айланиб, 1914 йил августда у партия шаклини олган.

Хива хонлигидаги жадидчилик харакати янгиликлар тарафдорлари бўлган амалдорлар, махаллий бойлар ва савдо аҳли, тараккийпарвар мусулмон рухонийлари, мадраса мударрислари ва толиблари, маърифатпарвар. Шоирлар мактаблар ва мадрасаларни ислох қилиш, дунёвий фанларни жорий этиш саводхонлик усулларини соддалаштириш ўқувчиларни ўз она тилида кўпроқ ўқитиш ва хорижий тилларни ўрганиш каби маърифатпарварлик ислохотчилик гоёлари билан чиққан кишилар харакати хисобланади. Улар сифатида бош вазир Ислохўжа, +озикалон Бобоқун Салимов, шоир

Аваз Ўтар, девонбеги Хусаинбек Матмуродов, Савдогар Полвонийез Хожи Юсупов, саноатчи бой Назар Шоликоров, матбаачи–хунарманд Отажон Абдалов, биринчи ўзбек кинооператори Худайберган Девондов, мирзабоши Мухаммад Расул, хонанда–муסיкашунослар Матёкуб подачи, Отажон Сафаев, Бобожон Ёкубов, Хакимбой Жонмухамедов, Мухаммадёр Хожи Абдуллаев, Отажон Хўжаниёзов ва бошқалар кирган. Уларнинг сафи 40 нафардан зиёд кишини ташкил этарди. Хар пайшанба кечаси чок +аландархонада, чок +оракўз масжи-дида, кўпинча Хусаинбек Матмуроддевоубеги ўглининг ўйида йигилишлар (ўтказилиб, кўшиклар айтишган, шеърхонлик килишган, эрк, адолат, маданият ва ислохотга доир сухбатлар олиб борилган. Улар жадида адабиёти ва санъатини яратиш билан чекланиб колмай, маданият ва маориф муассасалари ташкил этиш, яъни янги усул мактаблари, касалхона, почта–телеграф очиш, ўкув кўлланмалари ёзиш ва нашр этиш ишлари билан шугулланганлар.

Исломхўжа 11 моддадан иборат хокимларга кўрсатмалар бериш билан бир каторда 10 моддадан иборат ислохотлар дастурини хам ишлаб чикади. Бу ислохотлар дастури куйидагилардан иборат бўлган:

1. Хонликдаги мансабдор ва хизматчиларга лавозимига караб ойлик маош белгилаш;
2. Дехконлардан солик олишни тартибга келтириш ва солик олувчиларни уч табакага ажратиш;
3. Закот, бож, хирож кабиларни тартибга солиш;
4. Ахolidан савдо–сотик учун олинадиган соликларни тартибга солиш;
5. Ерларни сугориш ишларини тартибга солиш;
6. Йўллар, темир кўприклар кўриш ва почта–телеграф хизматини ташкил килиш;
7. Шахарларда касалхоналар куриш, кишлокларда фельдшерлик хизматини очиш, тиббий хизматчиларни таклиф этиш;
8. Барча вакф ерларини марказлаштириш ва даромадларини маориф ишларига сарфлаш;
9. Барча мактабларда янгича ўкитиш усулига ўтиш, мактублар дастурига рус тили, географик, тарих фанлари мажбурий килиб киритиш;
10. Хон хазинаси хисобини юритиш, кирим-чиким китобларини олиб бориш.

Бу дастур тезда хаётга татбик килина бошланди. Бирок юкорида айтиб ўтилганидек, Исломхўжанинг ўлими билан ислохотлар дастури хам тўхтаб колди.

Бу даврда жадидалар ижтимоий–сиёсий куч сифатида кўриндилар. Халк уларда ўз химоячиларни хис этди. Сирадрё вилоятдан Петербургда ўтадиган Давлат думасига аъзоликка сайланган Абдувохидкори Абдурауфкориёвга Тошкент, Чимкент ва бошқа жойларнинг ахолисидан 12 моддадан иборат талабномани Давлат думасига топшириш юкланди. Бу хужжатда кўпгина ижтимоий талаблар кўрсатилган эди. А.

Абдурауфкориёв 1907 йил 20 феврал–3 июнда Петербургда Садри Максудий, Мусо Жориллок, Алимардон Тўлчибошев каби мусулмон зиёлилари билан танишиб, мусулмон фракциясининг раиси Бигловга Туркистон халки дардини етказди. Бирок Абдувохидкори орадан кўп ўтмай камокка олинди ва Тулага сургун килинди.

Жадида матбуоти ўз вакилларининг фикрларини эълон килар экан, халкни «хар вакт гафлат уйкусидан уйготувчи» миллат онгининг очкичи» эканлигини намоён этиш билан бирга Туркистон халкини хур фикрлашга ва катта сиёсий курашга хозирлай олди. Бу даврда «эрк», «Турон», «Ўкитувчилар жамияти» каби уюшмалар пайдо бўлди.

Мунавварлари айтганидек, Уларнинг бутун умиди Россиядаги инкилоб жараёнида махаллий аҳолини миллий, диний чеклаш ва жабрлашдан озод қилиш, уларнинг ҳақ-хуқуқларини овруполиклар билан тенглаштириш, хилма-хил мактаб ва матбуот ишлари ҳамда турли-туман жамиятлар ташкил этишга кенг имконият яратиб беришга қаратилган эди».

Жадидлар бу даврда «Озодлик, тенглик ва адолат» шафи остида ишладилар. Уларнинг 1916 йил мардикорликка олиш воқеасига муносабати гоётда эътиборга моликдир. Мардикорликка олиш-Бирнчи жаҳон уруши кетаётган жойлардаги ишларга туркистонликларни жалб қилиш оқ подшонинг 1916 йил 25 июнь фармониға мувофиқ амалға оширилди. Бу қутилмаган тадбир, биринчидан, 1865 йил шартномасига зид эди. Иккинчидан, генерал Куропаткиннинг ҳулосасига қараганда, «Аҳомё ва маъмурият турар жойдан ташқаридаги ишларға мутлақо тайёрланмаган ва бундай шошилиш амалға оширилган тадбир оғир тартибсизликларни келтириб чиқарган». Азоси учун ана шундай мушибатли пайтда жадидларнинг кўзга кўринган намояндаларидан У. Асадуллаҳўжаев («Туркистон мардикорликка олиш кўмитаси» раиси) ва миллатпарвар бой Миркомилбой Мирмуминбоев Россия жамоат-чилигининг эътиборига бу масалани жалб этиш, фармонни бекор қилдириш учун Петербургға йўл олдилар. Давлат думасининг 1916 йил 13 ва 15 декабр кунлари ўтган мажлисида Николай II нинг 25 июнь фармони Россия империясининг қонунчилигида кўрсатилган ҳолларға зид равишда қабул қилинган тан олинди. Фармон Думада муҳокама қилинганча қадар июнь–август ойларида жадидлар ҳаракати орқали бир неча эшелон тўхтатиб қолинди. Жадидларнинг мардикорларни қайтаришға уринишлари 1917 йил феврал инкилоби бошланиши билан тўла амалға ошди. Бу ҳадиса эл орасида уларнинг обрўсини кўтарди. Мазкур ҳолат жадидлар маърифатпарварликдан сиёсий қурашға аллақачон ўтганликларини билдилар эди. Ҳулоса қилиб айтганда, XX аср бошида Туркистондаги ижтимоий – сиёсий жараёнларда жадидлар муҳим роль ўйнади. Уларнинг диққат марказида маърифий масалалар асосий ўйнади қасб этганлигини кўрамиз. Жадидлар минтақа ҳаётини таҳлил қилиш натижасида шуни тушунчаларки, Туркистон – бу муҳиятин мустамлақа ва Россия маъмуриятининг бошқарув тизими, миллий эҳтиёжларига жаваб бермайди. Бу масалалар феврал инкилоби арафасида, айниқса, қескин қўйилган. Шу йилларда янги услубдаги дунёвий таълим, миллий ўзига ҳосликнинг энг яхши томонларини мустаҳкамлаш, маданиятни жорий этиш учун ҳаракат жадид-чиликнинг негизига қўйилган сиёсий мустиқлик, демократик бошқарув шакллари учун қураш гоёлари билан бирға содир бўлди.

Жадидлар ривожланган жамият яратишдек ўз гоёларини амалға оширишда мутаассиблик, лоқайдлик, қолоқликка қарши қурашға алоҳида аҳамият берганлар. Бу вазиқаларни амалға оширишда улар тараккийпарвар, билимни ёшларға таянганлар. Улар ўз ишларида Европа давлатлари тараккийётға қандай йўллар билан етиб қелганлигини ақс эттириб, тарихий мисоллар қелтирганлар. Жадидлар тил ўрганиш ва фан-техника тараккийётининг аҳамиятиға алоҳида эътибор қериб, Туркистоннинг ўтмишдаги ҳамда қазонавий ҳолатининг ўзига ҳос томонларини ҳисобға олган ҳолда, унинг қелажагини қуйидагича тасаввур қилганлар: қучли дунёвий ҳоқимият, ҳусусий мулкнинг даҳлсизлиги. Улар қурмокчи бўлган давлат исломға ҳурмати қи сақлаган ҳолда барча ўйналишдаги маданиятларнинг эркин ривожланишиға ҳайри ҳох бўлиши лозим эди. Жадидлар халқнинг маданият даражасини халқаро савияға қўтаришни орзу қилганлар, бунинг учун эса ёшларни Европаниннг энг яхши ўқув масқанларида ўқитиш

зарур, деб ҳисоблаганлар. Улар давлат келажаги ёшлар кўлидалигини жуда яхши англаганлар.

1917-1924 йилларда миллий сиёсий ташкилотлар тараккиёти Жаҳид партиялари ва уларнинг сиёсий фаолияти

1917 бошларида Петроградда бўлиб ўтган воқеалар таъсири остида Туркистонда янги жамият куртакларини шакллантириш учун ҳаракат бошланиб кетди. 1917 йилнинг март-апрел ойлари ўлканинг сиёсий уйғонишида бурилиш даври бўлди. Туркистон жаҳидлари, миллий зиёлилар ва июль уламоларининг етакчилари бўлган Махмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Кори, Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев, Абдурауф Фитрат, Файзулла Хўжаев, Садриддин Айний, Усмон Хўжа, Мустафо Чўкай, Мухаммадjon Танишбоев, Шерали Лапин, Ахмад Закий Валидий, Обиджон Махмудов, Полвонниёз Хожи Юсупов ўлкада янги ташкил қилинган Ёш бухороликлар (1910), Ёш хиваликлар (1917), «Шўрои Исломи» (1917 йил март), «Шўрои Уламо» (1917 йил июн), «Турон» жамиятлари «Турк Адами Марказият (федералитар) фиркаси» (1917 йил июл) «Иттифоқи муслими» (1917 йил сентябр) сиёсий партияларининг тузилишида муҳим роль ўйнайдилар.

Жаҳидчилик 1917 йилда маърифатчилик ҳаракатидан сиёсий ҳаракат даражасига аллақачон кўтарилган эди. Ўша 1917 йилнинг ўзида тўрт марта Бутунтуркистон мусулмонлари курултойи ўтказилди. 1917 йил 16-23 апрелда Тошкентда бўлган I курултойда демократик Россия таркибида Туркистон Мухториятини ташкил этиш гоёси олға сурилди. Бу гоё Туркистон халқларининг ўз миллий давлатчилигини тиклаш йўлидаги дастлабки қадами эди.

Туркий халқларни бирлаштириш гоёси кун тартибидан мустаҳкам ўрин олди. Ўзбек, козок, қирғиз, қорақолпоқ, башқирд, татар, турқман қаби неғизи битта халқларни бирлаштириш ва шу асосда федератив ёки мухториятли давлат қуриш масаласи бўй кўрсата борди. Аммо Мунавварқори сўзи билан айтганда, кўпгина кишилар жумҳурият билан мухторият ўртасидаги фарқни тушунмаган эди. Хусусан Туркистон намояндalари чин маънодаги республикани барпо этиш ва унинг давлат таркибини ташкил этишга тўлиқ тайёр бўлишмаган. Козок ва башқирд халқларининг намояндalари-Мустафо Чўкай ва Валидий Петербург уларга ҳеч қачон мустақиллик ҳам, мухторият ҳам бермаслигини сезгач, Туркистонга келиб, маҳаллий жаҳидлар билан бирга иш бошладилар.

«Шўрои Исломи»нинг ташаббуси билан мусулмонларининг I курултойи чақирилди.

Курултой иштирокчилари бир қанча масалалар қаторида Туркистон ўлкасининг давлат мақоми масаласини ҳам муҳокама қилдилар. I-курултойда Туркистон ўлка мусулмонлари Шўроиси (Краймуссовет)-Миллий марказни ташкил этишга қарор қилинди. Миллий марказга раис бўлиб Мустафо Чўкай, унга ўринбосарлар қилиб Валидий ва У.

Асадуллахўжаев сайланди. Бу эса ташкилотларни бирлаштириш билан бирга миллий озодлик ҳаракатини изга солиб, ташкилий жихатдан марказлаштирар эди.

Миллий марказнинг 1917 йил 12 майда бўлиб ўтган йигилишда барча жамият ва уюшмаларнинг Марказий мусулмон депутатлари Шўросига бўйсунуши ҳақида Низом

кабул килинади. Марказнинг максуди халқнинг энг куйи катламлари-мардикор ва дехконларга тўлик ҳуқуқ бериш ва Туркистон мусулмонларини маданий, илмий, иқтисодий ва гоъвий тарбиялаш эди.

1917 йил 1-11 майда Москвада бўлган Бутун Россия мусулмонларининг I-курултойи берган туртки натижасида Мухторият масаласи янада жиддийлашди. 1917 йил 12-14 июлда Фарғонада бўлиб ўтган мусулмон ташкилотларинг курултойида дастурий масалалар кўриб чиқилди. Унда «Турк Адами Марказият (федералистлар) фиркасининг дастури (маромномаси) ва 22 муддадан иборат Низоми кабул килинди.

1917 йил 17-20 сентябрда Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон ва Козогистон мусулмонларининг курултойида «Шўрои Ислом» ва «Шўрои Уламо», «Турон» ва бошқа сиёсий ташкилотларни бирлаштириш йўли билан «Иттифоқи муслимин» сиёсий партияди тузишга келишилди.

Малумки, Туркистон минтақасидаги жади́дчилик харакати серкирра бўлиб, унинг асосий йўналиш оқимларидан бири-Бухородаги жади́дчилик эди. Аввал хам таъкидлаб ўтилганидек, Бухородаги жади́дчилик харакатидан Ёш бухороликлар партияди ўсиб чиқди. Совет даврида нашр килинган тарихий адабиётларда Ёш бухороликлар партияди 1917 йил бошларида пайдо бўлди, деган нотўғри карашлар мавжуд эди. Тарихчи олим К. Ражабов Файзулла Хўжаевнинг асарлари хамда архив ҳужжатларига таянган бўлиб, шаклланиш жараёни мураккаб ўтганлигини таъкидлайди.

1917 йил феврал инқилоби Ёш бухороликлар ичида кучлар нисбатининг кайта гурухланишини тезлаштириди. Аста секин ислох килиш тарафдорлари бўлган жади́дларга Абдулвоҳид Бурхонов, ислохот соҳасида фаол харакатларни Кўлловчи, нисбатан оз сонли ёш жади́дларга Фитрат етакчилик килди. Ёш бухороликлар Петрограддаги Муваккат ҳукуматга амирликда демократик ислохотлар ўтказишни сўраб, 2 марта телеграмма юборди, Фитрат ва Усмон Хўжа Петроградга жўнатилди. Улар Россиядан махсус комиссия келаётгани сабабли Оренбургдан Бухорога Усмон Хўжа, А. Бурхонов ва бошқалар билан учрашиб, Ёш бухороликларнинг талаблари билан кизикди. Ёш бухороликлар янги усул мактаблари очиш, матбуотга эркинлик бериш, халқ ҳукумати тузиш талабларини илгари сурди. 1917 йил 7 апрелда Бухоро амири Саид Олимхон Миллер ва унинг ёрдамчиси Шульга тузган манифест матнини айрим тузатишлар билан фармони олий тарзида эълон килди. Амир фармонида нуфузли кишилардан иборат мажлис, давлат хазинасини таъсис этиш ва мамлакат бюджетини белгилаш, пойтахтда босмаҳона очиш, саноат ва савдони ривожлантириш, солиқларни тартибга солиш, амалдорлар устидан назорат ўрнатиш ва уларга мояна тўлаш кабилар тилга олинган эди. Ёш бухороликларнинг Фитрат, Файзулла Хўжаев ва Усмон Хўжа бошчилигидаги сўл каноти фармон эълон килинган куннинг эртасига Бухоро шахрида катта намойиш уюштиради ва Регистонда митинг ўтказди.

14 апрелда амир ўз фармонини бекор килди. Ёш бухороликлар энди амир хокимиятига карши яширин кураш йўлига ўтди. Улар Бухоро шахрини тарк этишга мажбур бўлди ва Янги Бухоро (ҳозирги Когон) шахрига келиб ўрнашди «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»да ёзилишича, Когонда улар сафига Бухородан аввал чиқиб кетган йирик савдогар Мухиддин Мансуров ўгиллари (Абдуқодир, Амин, Исом) ва бошқалар билан келиб кўшилди. 1917 йил апрел воқеалари Ёш бухороликлар партияди ичидаги бўлинишни ўнг канот вақтинчалик устун келди. Кейинчалик «Ёш бухороликлар партиядиан қисман ислохотлар ўтказиш тарафдори бўлган жади́дларнинг ўламолар билан боғланган Икром домла бошчилигидаги гуруҳи ажралиб чиқди. Ёш бухороликлар

сафидан йирик сармоядорлар чикиб, унга кўпроқ шаҳар камбағаллари кирди. Жаҳидлар ўша пайтда ўз ташкилотларини бу ҳаракатнинг бошка бир йирик намояндаси С. Айнийнинг гувоҳлик беришича, «ёшлар», «ислохотчилар», «тараккийчилар», шунингдек, «Ёш бухороликлар» деб атаган. Бу ҳолатни айрим тарихчилар ўз асарларида тўғри кўрсатиб ўтишган.

Тарихнинг кўрсатишича, жаҳидчилик ҳаракатида орқага қайтиш йўқ эди.

Маърифатчилик ва тор даврадаги маданийлаш-тиришдан иш бошлаб у сиёсий ҳаракатга айланди, ўз олдига жаҳиятни ва уни бошқаришни қайта қуришдек вазифаларни қўйди. Масалан, жаҳидчилик Татаристонда «Муслмон иттифоқи», Тошкентда «Шўро Исломия» ва бошка партияларни, Бухорода Ёш бухороликлар, Хивада Ёш хиваликлар партияларини юзага келтирди. Бирок сиёсий талаблар шу партиялар пайдо бўлгандан кейингина қўйила бошланди, деб ҳисоблаш ҳато бўлур эди. 1910 йилдан кейин жаҳидчилик ҳаракати ташкилий тус олгач, «Жаҳидларнинг энг илғор қисми орзусида унинг программа максимумида асосий ўрин тутган гоё, Бухорода гарб намунасида капитализм ва демократияни ривожлантириш эди». Файзулла Хўжаевнинг ўзи ҳам бу гоёларга хайрихоҳ эди.

Ёш Бухороликлар партиясининг дастурини тайёрлаш вазифаси 1917 йил ноябр ойида Марказий Кўмита томонидан Фитратга топширилди. 1918 йил январ ойининг охирида Фитрат мазкур дастур лойиҳасини ёзиб, Марказий Кўмитага топширди. «Марказий Кўмита озгина ўзгаришлар билан мазкур лойиҳани қабул қилди ва умумга эълон қилишга қарор берди. Шу мақсад билан эски ишчилардан Раҳмат Рафиқ Самарқандга юборилди, ул нашриёт ишларини яхши билади, «Маърифат» китоб мағазинида бир қанча йил ишлаган». Афсуски, Фитрат тайёрлаган дастур фақат орадан икки йил ўтгач, 1920 йил бошларида Ёш бухороликларнинг Туркистон бюроси номидан эълон қилинди. Биз қуйида Фитрат домла томонидан тайёрланиб, Марказий Кўмита қабул қилган Ёш бухороликлар партияси дастури тўғрисида батафсил тўхталамиз.

Файзулла Хўжаев бу ҳужжатни ўз китобида шундай номлаган эди: «Фитрат томонидан ишланган ва Ёш бухороликларнинг Марказий Кўмитаси томонидан тасдиқ қилинган ислохот лойиҳаси»

Лойиҳада ер-сув масаласига катта эътибор берилган. Бундан ташқари, ҳарбий масала, молия ишлари, ички ишлар ва давлат бошқарув органлари қаби масалаларга унда кенг ўрин берилган. Лойиҳада бутун ҳайдаладиган ерлар уч қисмга бўлинган: 1) Вакф ерлари (масжид ва мадрасаларга тегишли ерлар); 2) Солиқдан озод қилинган ерлар (мулки хур); 3) Солиқ олинадиган (мулки хирож) ерлар.

Хаммани экин экишга мажбур қилиш мақсадида барча экилган ва экиш мумкин бўлиб, экилмай қолган ерларга ҳам солиқ солиш назарда тутилган, Шунингдек, «мулки хирож» ерларига солиқни қамайтириш ҳамда «кафсан» олиш, «учқуна пули» (турли дарахтлар учун), «чўл пули» (яйлов учун) ва бошка ортиқча ҳаражат чикимларини тугатиш назарда тутилган эди,

Ёш бухороликлар партияси миллий армияга катта эътибор берган эди, Лойиҳада армия сонини эски рус ҳукумати билан Бухоро амири тузган шартномага кўра 12.000 кишига етказиш белгилангани, Ҳарбий хизмат 22 ёшга етган ҳамма учун мажбурий бўлиши, хизмат муддати эса икки йил қилиб белгиланиши кўзда тутилди. Шунингдек, ҳарбий мактаблар очиш, аскарларга озроқ бўлса-да, ойлик маош тўлаб туриш назарда тутилди, Молия соҳасида ҳам жиддий ислохот ўтказишга эътибор берилди, Бунинг учун амирнинг маблағлари аниқ белгиланиши, умумдавлат маблағидан ажратилиши, солиқдан давлат

бюджети хар йили эълон килиб турилиши кўрсатилди

Маориф соҳасида давлат маблаг и хисобига мактаб, олий укув юртлари очиш, уларни замонавий дастур, ўкув кўлланмалари, ўқитувчилар билан таъминлаш, давлат ва вакф мактабларидан ташкари шахсий мактаблар очилиши дастурда ўз аксини топган эди. Шу билан бирга ўкув юртларини битирганларга маориф нозирлиги томонидан диплом бериш хам аник кўрсатилди, Ислохотда давлат бошқарув тизими, ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий ҳаёт масалалари камраб олинди. Буни унда кўрсатилган куйидаги 10та нозирлик исботлаб турибди: ер ишлари, вакф, харбий ишлар, ички ишлар, молия, адлия, милиция, йулар ва саноат, маориф, хорижий ишлар назорати. Юкорида кўрсатилган 10та нозирликдан иборат Шўро «Нозирлар Шўроси» (Кенгаши) деб номланди.

Бир сўз билан айтганда, ислохотдан кутилган мақсад амирнинг мутлок ҳукмронлиги (монархияси)ни европача конституцион монархия билан алмаштириш, маориф ва маданиятни, ишлаб чиқариш ва саноатни ривожлантириш, илм-фан ва техникани тараккий эттиришдан иборат бўлди. Бирок Фитрат томонидан тайёрланган дастур лойиҳасининг энг катта камчилиги шундан иборат эдики, унда республика (жумҳурият) талаб килиш очик суратда кўрсатилмаган эди. Бу холни Файзулла Хўжаев ўша пайтдаги бизнинг хатомиз, деб кўрсатган эди. Лекин шу билан бирга айнан Файзулла Хўжаевнинг ўзи ушбу ислохотлар лойиҳасининг катта аҳамиятга молик ходиса эканлигини, у кўп жойда фойда келтирганлигини биринчи бўлиб таъкидлаган эди.

1920 йил баҳорида Файзулла Хўжаев Ёш бухороликлар партиясининг янги дастури (программаси)ни тайёрлайди. Бу ҳужжат «Инкилобий Ёш бухороликлар фиркаси Туркистон бюросининг программаси» деб номланган. Ушбу программа (маромнома) ёки дастур Ёш бухороликлар партиясининг 1920 йил 14 июнда бўлиб ўтган конференциясида қабул килинди.

Ёш бухороликлар Туркистон бюросининг дастури «Зулмга қарши бирлашингиз!» деган ширдан кейин бошланади. Унинг кириш қисмида Бухоронинг умумий аҳволи ва Ёш бухороликларнинг асосий мақсадлари ёзилган. Дастурнинг иккинчи қисмида Ёш бухороликларнинг амалий таклифлари, уларнинг ислохот режалари ва ташкилий ҳамда маъмурий бошқарув (идора килиш) планлари бордир.

Дастурда амирликни қурол қучи билан ағдариб ташлаш ва Бухорони Халқ Демократик Республикаси деб эълон килиш талаб этилган эди. Бу талабнинг ўзи 1918 йилда Фитрат томонидан тузилган дастурда талаб килинган конституцияни монархия гоёсига нисбатан олға қўйилган катта қадам бўлди,

Ёш бухороликларнинг янги дастурида айтилишича, Бухорода инкилоб галаб қилганидан кейин ҳокимият муваққат ҳукумат қўлига ўтиши, бу муваққат ҳукумат мамлакатни демократик асосда бошқариши лозим эди. Дастурда «ўрта ва камбағал синфларнинг манфаатларига риоя килиш тамойили» мамлакатни бошқаришнинг асосий тамойили ва устивор йуналиши бўлиши лозим, дейилади.

Ёш бухороликлар умумий текин бошлангич таълимни жорий килишни, шунингдек, қишлоқ хужалиги, майда хунармандчилик қорхоналари, ички ва ташқи савдонинг аҳолини яхшилаш йулида амалий чора ва тадбирлар қўришни талаб қилдилар.

Ёш бухороликлар партиясининг «Зулмга қарши иттифок этингиз!» деган сўзларни ўзига жанговар шир қилиб олди.

Дастур шариатни, жамият ва давлат тузилишини белгилаш, шунингдек, адлия ишларини олиб боришнинг негизи, деб эътироф қилган эди. Ёш бухороликларнинг фикрича,

«Шариат адолатни талкин килувчи ва камбагалларни химоя килувчидир.»

Бу дастур матни Файзулла Хўжаевнинг «Бухоро инкилоби-нинг тарихига материаллар» асарида келтириб ўтилади. Дастурда миллий масалага катта эътибор берилган эди. Дастурнинг бу кисмини биз тўла равишда келтириб ўтамиз:

1. Фирка хар миллатнинг меҳнаткаш оммасини сиёсий ҳуқуқларда баробар деб танишдир ва уларнинг орасида миллий ва диний душманлик пайдо бўлишига йўл қўймайдир, Фирка бутун кучи билан миллатлар ўртасидаги жанжалларга, томошаларга йўл қўймасликка интиладир ва Бухоро Халқ Жумҳуриятининг хар бир фуқаросининг ҳамма билан баробар ҳуқуқда бўлишига ва бутун берилган ҳуқуқлардан баробар фойдаланишларига бутун кучини сарф қиладир.

2. Фирка Оврупо самоядорлари билан хар қандай бирга ишлашдан воз кечадир, лекин меҳнаткашларнинг озод бўлишлари учун Оврупо ишчилари ва дехконлари билан биргаликда кураш олиб борадир,

3. Фирка Оврупо жаҳонгирлиги ҳуқуматидан озод бўлиш учун бутун кучлари ва йўллар билан курашадир.

4. Фирка бир Шарқ халқининг иккинчи бир Шарқ халқи томонидан эзилишига, кучлиларнинг кучсизларга зўрлик қилишига қарши чиқади»,

Ёш бухороликлар партияси Ўрта Осиёдаги дехкон хўжалигининг икки негизи бўлган ер ва сувни тақсимлаш соҳасида жаҳидлар учун жуда радикал бўлган дастурни тақлиф қилди. Унга мувофиқ амир ва бекларнинг ерларини, золимлар дехконларнинг қўлидан адолатсизлик билан тортиб олган ҳамма ерларни мусодара қилишга ва бу ерларни меҳнаткашларга тақсимлаб беришга ваъда қилди. Шунингдек, партия дехконлар хўжалигини ривожлантириш ва камбагал дехконларнинг турмушини яхшилаш мақсадида вақф ерлар тўғрисида қонунлар чиқаришга, солиқларни енгиллаштиришга, хатто камбагал дехконларга ҳуқумат томонидан фойсиз қарз бериб туришга ваъда қилди. Партия бутун Бухоро дехконлари Қурултойида ерларни тақсимлаш тўғрисидаги қонунни ўтказишга ваъда берди. Ҳуқумат ҳисобидан ирригация ишларини бажариш йули билан сугориш шаҳобчаларини кенгайтириш ва сувни тақсимлаш тўғрисида қонун чиқариш ҳам дастурда унутилмаган эди,

Партиянинг дастурида дехконлар билан бирга ишчиларнинг аҳолини енгиллаштиришга ҳам катта эътибор берилди. Саккиз соатлик иш кунини жорий қилиш, қасаба уюшмаларини ташкил қилиш, кооперация тузиш ва унда давлат кредити ажратиш масалалари дастурда алоҳида таъкидланди.

Ёш бухороликлар партиясининг дастури ақлия тўғрисидаги қуйидаги уч модда билан тугалланди:

1. Фирка судларнинг фақат қонунга тобе бўлишини ва уларнинг озод бўлишларини ва хар хил бегона одамларнинг уларнинг ишларига хар қандай дахл қилишдан ва таъсир қилишдан сақланишини талаб қиладир,

2. Судлар ўзларининг ҳуқуқларини ва қарорларини мажлиси муассасан томонидан тасдиқ қилинган ва нашр қилинган қонунларга биноан чиқарадилар.

3. Жиноят судлари биринчи даражадаги судлар ва иккинчи даражадаги судларга бўлиниб, биринчиси халқ томонидан сайланадир ва иккинчиси, биринчи даражадаги суд томонидан қаралган ишлар бўйича ўзларининг фикрларини, мохоказаларини маълум

киладилар.

Шундай килиб, Ёш бухороликлар партиясининг Фитрат ва Файзулла Хўжаев томонидан ишлаб чиқилган дастурларида Бухорода амирлик тузуми ўрнида демократик республика ташкил қилиш гоялари илгари сурилган эди. Бу оламшумул вазифани амалга ошириш учун 1920 йил апрел ойидан бошлаб Файзулла Хўжаев мухаррирлигида «Учкун» газетаси нашр қилиниб, Бухоро амирлиги ҳудудида махфий равишда тарқатилар эди. Ёш хиваликлар партиеси эса 1914 йил август ойида Полвонниёз Хожи Юсупов асос солган эди. Жуманиёз Бобониёзов, Бобожон Ёкубов, Жуманиёз Султонмуродов, Назир Шошқоров, Султонқори Жуманиёзов, Худойберган Девонов, Хусаинбек девонбеги Матмуродов, Мухаммадёрхўжа Абдуллаев партиясининг фаоллари эди. Ёш хиваликлар партиясининг эълон қилинган дастурида хон ҳокимиятини чеклайдиган ислохотлар ўтказиш, мамалакатда конституцион монархия ўрнатиш, халқни маърифатни қилиш мўлжалланган.

1917 йил феврал инқилоби ҳудди Ёш бухороликлар сингари Ёш хиваликлар фаолиятига ҳам кучли таъсир кўрсатди, улар очик кураш йўлига ўтди. 1917 йил 5 апрелда Хива хони Асфондиёрхон Ёш хиваликлар такдим этган манифестни имзолашга мажбур бўлди.

Манифест мазмунини қуйида тўлалигича келтирамиз:

Хижрий 1335 йил 25-жумаи-ус-сана ёки Исо тугилганидан 1917 йил 5 апрелда, мен-Хива хони Саид Асфондиёр Баходирхон қуйидаги хоҳишимни эълон қиламан:

1. Мен ўз фуқароларимга конституциявий бошқарувни шунинг учун бердимки, улар ўз хоҳишлари муқаддас шариат қонунлари ва қонун талаби билан умумхалқ кенгаши орқали сайланган ва давлат ишларини бошқаришга тайинланган адолатпарвар ва лойиқ кишилар билан давлатни бошқарсинлар.

2. Менинг фуқароларим давлатни бошқариш ишида муқаддас шариат билан қелишилган ҳолда адолатли ҳаракат қилишлари шарт.

3. Мен фуқароларимга бирлик, тинчлик ва озодликни шунинг учун бердимки, улар бир-бирлари билан ака-ука бўлиб, тинч яшасинлар.

4. Хива давлатида вазирлик ва амалдорлик вазифаларини аҳоли томонидан сайланган ва тайинланган виждонли ва адолатпарвар кишилар бажарсинлар. Халқ хохламаган вазир, амалдор ва ҳокимлар ишдан олиниб, жинойти исботланса муқаддас шариат қонулари асосида жазога тортилсин.

5. Барча амалдор ва вазирларга, давлат хизматчиларига вазифаларига яраша давлат хазинасидан маош ажратилсин.

6. Хива давлатининг молия ишлари учун хазиначи жорий қилиб, қирим-чиқимларни назорат қилиш топширилсин.

7. Вазирлар ва амалдорларни назорат қилиш ҳамда менинг юқорида буйругимни бажариш учун аҳоли ўз вакилларини сайлагунга қадар 30 кишидан иборат вақтли қўмита тайинлансин. Хива фуқаролари тинчликни сақлаб, ўз ишларини амалга оширсинлар ва бошқа маданиятли халқлар қаторидан ўрин олиш учун бор қучларини сарфласинлар.

Бу манифест қилиб қаралса, манифест асоси Ислохўжа ислохот режасининг бир қисмидек бўлиб кўринади. Кўпчилик тадқиқотчилар бу ҳужжатларни Ёш хиваликлар дастури сифатида талқин қилишади.

Ёш хиваликлар ҳамиша озодлик ва тараккиёт тарафдори бўлган Бобоохунни манифест

асосида чакирилган мажлисга биринчилардан килиб таклиф килдилар» «...аввалдин машхур хурриятпарвар уламо синфидан бўлган биродар Бобоохун кози Салимохун ўглини юбордик. У бориб кози уламоларнинг тарафидин уни вакил килиб олиб келди». Мажлис ва Нозирлар кенашини тузиш, унинг фаолиятини ташкил килиш хужжатларининг ислом шариати асосларида бўлишини таъминлашда уламо сифатида Бобоохун Салимов бошчилик килди. Бу ҳақда Полвонниёз Хожи Юсупов ўз «Хотиралар»ида шундай ёзади: «Ондин сўнг Бобоохун эшон бирлан маслаҳат килиб, тамоми Хоразм калъаларига ҳам Туркменистон, козок, кораколпок истансаларига вакил сайлаб келмак учун хатлар юборилди». Жойларга юборилган кишилар халк вакилларини сайлаб олиб келгач, Бобоохун Салимов мажлис раислигига сайланди. 1918 йил июл ойида Ёш Хиваликлар янги дастурларини ишлаб чиқдилар. Бунда улар ўзларини Хива инкилобий партия деб атаганлар. Унда куйидаги талаблар бўлган:

1. Хон ва унинг ҳукумати томонидан мамлакат якка бошқарувини бутунлай тугатиш;
2. Хива худудини Туркистонга кўшиб, РСФСР таркибига киритиш;
3. Хива хони, тўралар, беклар ва вазирларининг пуллари, хар хил кўринишдаги мулкларини халк бойлиги деб эълон килиш;
4. Йирик ер эгалари мулкларидан камбагаллар ҳаётини яхшилашда фойдаланиш;
5. Шариат ҳукми билан вакфларнинг барча даромадини фақат халк маорифи учун сарфлаш;
6. Хивадаги янги ерларни ўзлаштириш учун Амударёдан ариқлар чиқариш;
7. Болаларни бепул ўқитиш учун Хивада мактаблар очиш;
8. Хивадаги шаҳар ва кишлоқларда бепул даволовчи касалхона ва даволаш муассасаларини очиш;
9. Хива хони томонидан камбагал аҳолининг мажбуран тортиб олинган ер ва бошқа бойликларни ўз эгаларига қайтариш;
10. Асфандиёрхон ҳукмронлиги давридаги ҳазинага тушган халк бойлигининг нимага сарфланганлигини аниқлаштириш;
11. Кўприқлар ва алоқа йўлларини яхшилашга киришиш;
12. Беклар томонидан камбагал аҳолининг мажбуран тортиб олинган ер ва мулкларини ўз эгаларига қайтариш;
13. Бепул, мажбурий меҳнат (бегар)ни бутунлай тугатиш;
14. Хон ва унинг ҳукуматини тугатиш, халк ҳокимиятини тузиш ва юқоридаги дастурни амалга оширишга тезда киришиш, халк ҳокимиятига қарши бўлган хон тарафдорлари, буржуазия ва аксилинкилобчиларга қарши аёвсиз кураш олиб бориш.

Ушбу дастурнинг аниқлаштирилган ва РСФСРга кўшилиш тўғрисидаги моддаси олиб ташланган 12 бандлик варианти Хива инкилобчилар партиясининг яқин вазифалари номи билан 1920 йил 8 январда «Известия» (Тошкент) газетасида босиб чиқарилган. Хуллас, 1918-1920 йилларда большевиклар муҳолифатда турган Ёш бухориклар ва Ёш хиваликларни кўллаб-қувватланди. Жаҳидлар демократик ислохотларни қарор топтириш учун мавжуд тузумни қурол қучи билан ағдаришни зарур деб топдилар. Шунинг учун ҳам улар тактик мақсадларни кўзлаган ҳолда большевиклар билан яқинлашдилар. 1920 йилда кизил армия Хива хонлиги ва Бухоро амирлиги худудида бостириб кирди. Бухоро халк Совет Республикаси ва Хоразм Халк Совет Республикаси тузилиб, жаҳидлар ҳокимият тепасига қолишди. Демак, 1920 йилдан жаҳидчилик ҳаракати ўз

тараккиётининг янги боскичига, яъни солветлар билан мураса йўлига кадам кўйди. Туркистон жадидлари фаолияти бутун ўлкани камрайдиган, англизларнинг скаутнинг мактаб дустурига якин дастур асосида ишлайдиган «Турон Кучи», «Турк кучи», «темур», «Изчилар», «Лочин» каби гуруҳларни туздилар. Бу гарахлар ўрта мактаб таълими, хунар, санъатдан ташкари, харбий машклар билан шугулланиб, советларга асосий зарба берувчи куч сифатида куч сифатида кўрина бошлади. 1920 йилда совет режими бу гуруҳлар фаолиятини тугатди.

Бирок Фаргона Водийси Тошкентдаги воқеалар якуни жадидларнинг умидларини сўндара олмади. Улар Бухоро республикаси рахбарлари билан бир ёкадан бош чиқариб, иш бошладилар. Бухорода Жадид тараккийпарвар фиркаси тузилди. Бу фирка дастурига кўра, давлатни жумхурият раиси (президент) ва парламент бошқариши кўзга тутилган эди.

1921 йил 2-5 августда Бухорода Валидий бошчиллигида Туркестон Миллий Бирлиги Ташкилоти тузилди. У истиклолчилик харакатини жипслаштиришда мухим роль ўйнайди. Туркистон Миллий Бирлиги ташкилоти билан Мунавваркори рахбарлигидаги «Миллий Иттиход» (1919 йил тузилган) ташкилоти асосий максади Бухоро республикаси, умуман, туркистон минтакасини советлаштириш ва руслаштириш таъсиридан саклаб қолиш, Туркистоннинг мустакиллигига эришиш бўлган. Кейнчалик «Миллий идтикод» ташкилоти асосида «Миллий истиклол» ташкилоти тузилади.

Шундай қилиб, жадид партиялари 1917-1924 йилларда Туркистон мустакиллиги учун изчил курашдилар. Бу курашда парварида улар мағлубиятга учраган бўлсалар ҳам. XX асрнинг миннатдор авлодлар хотирасида юрт мустакиллиги учун курашган фидоий инсонлар сифатида абадий қолдилар.

Алишер Насафий тайёрлаган